



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 14 август, № 160 (4823)

Жума

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**



ИСТИҚЛОЛДАН ИҚБОЛ ТОПГАНЛАР



Сирдарёда тўрт фаслнинг ўзига хос қиёфаси бор. Қишда она-замин оромга кетса, баҳорда ҳовур чиқариб безанади. Ёзда куёшнинг тилларанг нурларига чулғанади. Кузда эса, инсонларга ҳадялар бериб, дастурхонини обод қилади.

— Бизнинг тупроғимиз меҳри, эъзозни хуш кўради. Авайлаб ардоқласанг, саховатини аямайди, — дейди Ховос тумани "Нуроний" жамғармаси раиси Жумабой Сунонов. — Гулистон шаҳрига қаранг, "Умид ниҳоллари — 2009" спорт мусобақалари арафасида ва ундан кейин юз минглаб турли-туман гул кўчатлари ўтказилди. Қарга қараманг, ободончилик, бунёдкорлик завқ-шавқи. Бундай тинч ва тўқин ҳаёт-

га хос наъшу намодан севинасан, қалбинг жўш уради. Шунда Истиқлолнинг кадр-қиммати билинади, унинг бебаҳо неъмат эканлигини ҳис этасан. Сирдарёликлар лафзи ҳалол, ваъдага вафодор, аҳдда қатъий. Вилоятда йил бошдан буён 27155 тонна сабзавот, 12939 тонна картошка, 11261 тонна полиз, 1939 тонна мева

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Инсон борки, ўз юрти, тугилиб ўсган гўшаси билан фахрланади. Унинг ютуқларидан қувонади, тараққиётига дахлдор бўлишни эзгу мақсад деб билади. Бинобарин, мустақил юртимизда рўй бераётган беқисс янгиланишлар, ўзгаришлар бугун юртдошларимизга олам-олам фахру гурур бахш этаяпти. Айниқса, Тошкентнинг 2200 йиллиги арафасида пойтахтимизда ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг авж олиши туфайли кўча ва маҳаллаларимиз кўркاملаниб бормоқда.

ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Шахло Холиқулова, ўқитувчи:

— Бугун пойтахтимиз жамолига боқиб тўймайсан, киши. Хар қадамда бунёдкорлик, ободончилик, кўчаларимизнинг янги ишлари. Одамларда яратувчанлик иштиёқи кучайиб бормоқда. Хайрли юмушлардан четда туриб бўларканми, шундай дамларда?! Қўлингдан келганича юрт раънақиға, ўзинг яшаётган шаҳринг ободлигига ҳисса қўсасан, дейсан. Мухими, бугунги гўзал ва кўркем Тошкент нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳу меҳмонларнинг ҳам нигоҳидаги бетакрор шаҳарга айланди.

Ана шундай эътирофлар дилимдан ўтар экан, пойтахтда яшаётганим ва ишлаётганимдан фахрланаман. Яқинда Термиз шаҳридан уйимга меҳмонлар келиши. Бегона эмас — қадрдон ўқувчиларим. Бир неча йил аввал Термиздаги мактаблардан бирида ишлаб, уларга сабоқ берганман. "Устоз, бизни музейларга, Мустақиллик майдонига олиб бориңг, телевидениеда кўрсатаётган чиройли жойларни ўз кўзимиз билан кўрайлик", дейишди. Уларнинг раъйини қайтар-

мадим. Сафаримизни эзгу орзу-умидларимиз тимсоли бўлиши Бош майдондан бошладик. Бу ердаги одамларнинг қувончи, самимияти, кулгиси бизга ҳам таъсир қилди. Эзгулик аркасини, Хотира майдонини, муҳташам Сенат биносини завқ билан томоша қилдик, суратга тушдик.

...Кўчаларимиз равон, хиёбонларимиз сўлим, ҳавомиз мусаффо, одамларимиз оқибатли... Бундай таърифларни ўқувчиларим айтишди. Уларнинг сўзларига кулоқ тутиб, англадимки, келажаги буюк давлатнинг фарзандлари ўз юрти ҳақида ана шундай гурур билан сўзлайди.

Афзал Рафиков, Ўзбекистон халқ артисти:
— Тошкент — Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти, бош шаҳри! Ота-боболаримиз бежиз айтишмаган — Тошкентнинг сувини ичган чумчуқ Маккадиллодан ҳам қайтиб келар экан. Бугунги кунга келиб бу кутлуғ шаҳарнинг яна бир сифати, яна бир ноёб фазилати намойён бўлмоқда — шаҳримиз қанчалик қадимий бўлмасин, кундан-кунга яшариб

(Давоми 2-бетда).

«ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ МУҲИМ ЎРНИ»

Яқинда Франциянинг етакчи электрон нашрларидан бири «Les milleux des Empires»да мазкур нашр бош муҳаррири Сильвия д'Изарнинг ана шундай сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Мақола жорий йилнинг июль ойида Тошкентда муаллиф иштирок этган бугунги парламентаризм мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция ақунари ҳақида. "Тадбир Хитой, Хиндистон, Корея, Малайзия, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатларининг вакилларига Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат сиёсий ҳаётини демократлаштиришдаги иштирокини ўрганиш имкониятини берди", дея таъкидланади француз наشريда.

Мақолада Ўзбекистонда 2009 йил декабрь ойида ўтказилган парламент сайловлари ўзига сайлов қонунчилигининг янги босқичини ифodalashi қайд этилади. "Мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар муваффақият билан амалга оширилмоқда, икки палатали қонун чиқарув-

чи ҳокимият эса бу соҳага янги ҳаёт бағишлайди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилган. Бунга мисол сифатида бундан буён қонунчиликда ҳам ўз аксини топган «Хабас корпус» институти фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг кучайтиради. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг ташкил этилиши ушбу тизимнинг мустақиллигини кафолатлайди".

Франциялик журналистнинг мақоласида Ўзбекистонда

матбуотни либераллаштириш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилган. "Нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги мавжуд камчиликлар ҳақида аҳолини хабардор қилишда улкан аҳамият касб этади. Навбатдаги муҳим йўналиш минтақавий теле ва радиостанциялар ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғини ташкил этишдан иборат.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон миллий таълим ва замонавий технологияларга эътиборни кучайтирмоқда. Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва истеъдодли болаларга молиявий қўмақ бериш дастурини амалга ошириш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Олий таълим тизимида ва илмий тадқиқот институтида халқаро ҳамкорлик ва экспертлар алмашиш кенгаймоқда.

Халқларнинг ўз маданиятини ривожлантириш ва ўз ти-

лини ўрганиш истаги ҳамда интилиши эътиборга олинганда, маданият соҳаси ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси туфайли минтақавий ташкилотларда янги ғояларга илҳомлантирувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин", дейилади мақолада.

"Les milleux des Empires"да нашр қилинган ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйдаги сўзлари билан ақуланади: "Эртанги кунимизни яратар эканмиз, биз миллатимизнинг тарихий меросига, унинг ахлоқий ва маънавий манбаларига — буюк аجدодларимизнинг ноёб таърибасига таянамиз. Замонавий дунёда яшаётганимизга қарамастан, биз буюк аجدодларимизнинг ғояларини асраймиз ва сақлаймиз, уларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, ишонч ва эътиқодлари ортдан борамиз".

«Жаҳон» АА. Порик

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ФАРФОНА. Данғара тумани аҳолиси Қаҳрамон Мадалиевни тадбиркор сифатида яхши билишади.

Харидоргир маҳсулотлар

Унинг раҳбарлигидаги "Тоҳижон НУР" кичик корхонасида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиб бораётти. Бу ерда хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида сифатли кийим-кечақлар ишлаб чиқарилаётган.

30 кишилик жамоа жорий йилнинг ўтган даврида 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, бозорга чиқарди. Тадбиркор айни пайтда бош кийимлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ҳаракатида.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ. Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

178 миллиард

сўмлик лойиҳа

Хусусан, 2010-2020 йилларга мўлжалланган вилоят сув қувурлари ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланишича, мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 178 миллиард сўми ташкил этади.

Кенг миқёсдаги ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши вилоят аҳолисининг фаровонлигини янада таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАНДА янги ўқув йили олдида аънавий "Мақтаб бозорлари" ташкил этилди.

Қишлоқларда

мактаб бозори

Айни чоғда вилоят "Матлуботсаудо" акциядорлик компанияси томонидан уюштирилган 37 та шундай ярмарка аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

"Матлуботсаудо"нинг қишлоқлардаги шохбчалари орқали бир ой давомда харидорларга 320 миллион сўмликдан зиёд дафтар, ручка, қалам, бўёқ, ўқувчи сумкаси ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳрида "Шарқ тароналари" VII халқаро мусиқа фестивали олдида матбуот анжумани ўтказилди.

Мусиқа фестивали арафасида

Унда таниқли санъат намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтган йиллар давомида дунё миқёсида нуфузли санъат анжуманлари қаторидан жой олди.

Мазкур фестиваль ўзбек санъатининг довуруғини янада юксалтиришда, шунингдек, халқимизни дунё халқлари мусиқаси билан яқиндан таништиришда, санъат воситасида турли миллат ва эл таърифларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келаётти.

Анжуманда "Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг 60 дан зиёд давлатидан бандий жамоалар, миллий мусиқа ва санъат ижрочилари иштирок этиш истагини билдирганили, шунингдек, фестивалда илк бора Мексика ва Коста-Рикадан вакиллар қатнашиши кутилётгани айтиб ўтилди.

Йилгилишда миллий-маданий меросимиз, мумтоз мусиқа санъатининг намуналарини асраб-авайлаш ҳамда уни келгуси авлодларга етказиш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Август — пахта ҳосилига ҳосил кўшадиган ой

Бу йил Жиззаҳ вилояти деҳқонлари 102 минг гектар ерда мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга бел боғлашган. Улар ана шу мақсадда гўза парваришидаги энг масъулиятли палла — август ойида бажариладиган агротехника тадбирларини сифатли адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биологик усул — табиий ҳимоя

Айтиш жоизки, ушбу ойда ҳосилга ҳосил қўшиш билан бирга, тўпланган ҳосилни зараркунандалардан сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда ҳосил қушандаларига қарши курашишда, асосан, биологик усулдан фойдаланилаётти. Бунда 49 та биологик лабораторияда иш режали равишда олиб борилиб, фойдали хашаротлар етарли миқдорда кўпайтириладигани муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йил баҳорининг серёғин келгани, шунингдек, август ойида ҳароратнинг пасайгани кўсак куртининг 3-авлоди кўпайиши учун қулай шароит яратмоқда. Бундай ҳол рўй беришини олдиндан кутгандик. Шу боис август ойида ҳам барча майдонларга икки маротабадан "Трихोगрамма" ва "Бракон" билан ишлов беришни

(Давоми 2-бетда).

15-16 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.

Байрамлар, тўю томошаларни ораста ўйи, саришта хонадонда қарши олишга одатланганмиз. Бу хайрли аъна асрлардан-асрларга, аждодлардан авлодларга ўтиб келаяпти. Мана, ҳадемай мамлакатимизда катта тўй — Истиқлол шодиёналарининг гувоҳи бўламиз. Шаҳару қишлоқларимизда ушбу байрамга ҳозирлик ишлари алақачон бошланиб кетган. Бунёдкорлик, ободончилик юмушлари билан машғул юртдошларимиз қалбида иштиёқ, шижоат ҳислари жўш уради. Хар ким юрти-

САРИШТАЛИ УЙ — ФАРИШТАЛИ УЙ

миз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига ўз меҳнати билан ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ташаббускорликнинг ёрқин намунаси Мустақиллик байрами арафасида, хар йилги аъна нага мувофиқ ўтказиладиган умумхалқ хайрия тадбирларида яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 июлдаги фармойишига биноан, жорий йилнинг август ойи мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларда ободонлаштириш ва тозаллик ойлиги ҳамда 15-16 август кунлари умумхалқ

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида
Автобус тоғдан қулади
Непалнинг тоғли туманида автобус ҳалокатга учради.

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Автобуснинг 300 метр балангликдан қулаб кетиши оқибатида 11 киши ҳалок бўлган, 50 киши тан жароҳати олган. Жабрланганлардан ўн нафарининг аҳоли оғирлиги айтилмоқда. Фалокат юз берган пайтда автобусда 80 нафар тўловчи бўлган. Маълумотларга кўра, фожиа транспорт воситаси ҳайдовчисининг мулошилардан бирида бошқарувни йўқотгани сабабли юз берган.

Кучли зилзила рўй берди

Япониянинг марказий қисмида кучли зилзила содир бўлди, дея хабар тарқатди "France Presse" ахборот агентлиги.

Ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,7 баллга тенг бўлган ва унинг маркази Тинч океанида қайд этилган. Ҳозирча қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, зилзила цунами содир бўлишига олиб келмаган.



зуока префектурасида юз берган зилзила оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 100 дан зиёд одам шикастланган.

Тадқиқот хулосаси

2011 йилга бориб ер юзи аҳолиси сони етти миллиард кишига етиши баҳорат қилинмоқда.

"Population Reference Bureau" ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотлар якунида шундай хулосага келинди. Аҳоли нуфусининг ошиши кўпроқ Осиё, Африка, Латин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида бўлиши келиди. 2050 йилга бориб Хиндистон дунёдаги аҳолиси энг кўп мамлакатга айланади. Тахминларга кўра, бу давлатда ўша пайтда 1,7 миллиард одам истиқомат қилади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир сайёрамизда аҳоли сони кўплиги жиҳатидан Хитой биринчи поғонада туради.

Хотиржамлик ва соғломликка нима етсин

АҚШнинг Питтсбург университети олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот хулосаларида айтилишича, оптимист фель-атворга эга аёлларда юрак билан боғлиқ хасталиклар кам учрайди.



Пессимистларда эса аксинча, бундай ҳолат нисбатан кўп кузатилади. Ҳатто уларда юрак хасталиги билан боғлиқ ўлим ҳолати қайд этилиши ҳам кўп экан. Тадқиқот жараёнига 50 ёшдан 79 ёшгача бўлган 1000 нафар аёл жалб қилинган. Натijaда оптимист аёлларнинг аксарияти олий маълумотга эга эканлиги, даромадли жойларда ишлари ва мунтазам равишда табиий кўриқдан ўтиб тургани маълум бўлган. Бу эса уларнинг хотиржам ва соғлом ҳаёт кечирishiларига замин яратган.

Нефтга талаб ошадими?

Ўтаётган йилда жаҳонда нефтга бўлган талаб бир оз пасайган.

Аммо кейинги йилдан эътиборан бу махсулот истеъмоли кескин ошиши кутилмоқда, дейилади. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг ойлик ҳисоботида. Рақамларда келтирилишича, жорий йилда "қора олтин"га бўлган кунлик талаб 1,8 миллион баррелга қисқарган. Кейинги йилда эса бу кўрсаткич кунига 0,59 баррелга ошиши ва талаб ҳозиргига нисбатан 2,3-2,4 фоизга кўтарилши тахмин қилинмоқда.

Тахлилчилар фикрига кўра, келаётган йилда ушбу махсулотга талаб, айниқса, Осиё давлатларида юқори бўлади. Нефтга бўлган талабнинг камайишига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам сабаб бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Qishloq Qurilish Bank

ҳамюртларимизга Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 18 йиллик байрами муносабати билан миллий ва хорижий валютада юқори фоизли янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади.

«Тошкент-2200» — маблағлар 45 кун муддатга қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорда устама ҳисобланади.

«Мустақиллик» — маблағлар 1 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорда устама ҳисобланади.

«Сумбула» — маблағлар 2 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28% миқдорда устама ҳисобланади. Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«Элита» — маблағлар АҚШ доллариди 3 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 7% миқдорда устама ҳисобланади. Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банклариди омонатларини ҳимоялаш қабуллари ташкилоти оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ қафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17.

www.qishloqQurilishbank.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

ALP JAMOL BANK

Мамлакатимиз иқтисодиётининг мустақамланаётганлиги тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтирилаётган молиявий ресурслар ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Зотан, банкларнинг изчил ривожланиб, капиталлашув даражасининг ошиб бориши макроиқтисодий барқарорликдан далолатдир.

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Бу жараёнда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини молиялаштириш, уларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатишда «Алп Жамол банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда. Энг муҳими, мазкур банк мамлакатимиз молия тизимида тўлланган бой тажрибадан унумли фойдаланиб, молиявий ҳолатини йилдан-йилга яхшилашга муваффақ бўлапти.

ҳолатига кўра, банк активларининг ҳажми 112,3 миллиард сўмга етказилиб, йил бошидагига нисбатан 15 фоизга ёки 14,3 миллиард сўмга оширилди. Шунингдек, ушбу даврда кредит қўйилмалари 43,9 миллиард сўмдан

си, кредитларнинг 78 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилди. Бугунги кунда «Алп Жамол банк» ХОАТБ таркибиди 4 та филиал, 17 та минибанк, 43 та махсус халқаро пул ўтказиш шохобчаси, 30 та махсус

ярмида аҳолининг банкдаги омонатлари 1,4 бараварга ўсиб, 24 миллиард сўмга етди. Омонатларга жалб қилинган маблағнинг 35 фоизи аҳоли улушига тўри келди. Бунда хизмат турлари ва уларнинг ҳажмини ошириш мақсадида миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган, пластик карточкалар муомалага чиқарилган, халқаро пул ўтказиш тизимидаги ва бошқа турдаги банк хизматлари такомиллаштириб борилган айти мундоо бўлди.

Шубҳасиз, банк тизимида молиявий хизматларнинг тезкор ва сифатли удаланишида жамоанинг малакалиги ва ташаббускорлиги катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, банкда кадрлар сиёсатида жиддий эътибор берилмоқда. Айти пайтда банк мутахассисларининг 65 фоизидан ортигини олий маълумотли иқтисодчи ва молиячилар ташкил этади.

Бироқ тез ўзгаришчан бозор иқтисодиёти шароити ва рақобатнинг кучайиб бориши ўз-ўзидан ҳодимлар малакасини мунтазам ошириб боришни, уларни қайта ўқитиш ва билим даражасини кучайтириш заруратини юзага келтирди. Шу босис банк ҳодимларининг малакаларини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган.

Банк жамоаси томонидан Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитлари ва аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш-



Молия муассасаларида

«Алп Жамол банк» ХОАТБнинг ривожланиш дастуридаги энг устувор стратегик мақсадлардан бири, бу — банк фаолияти доирасини кенгайтириш ҳамда тақлиф этилаётган хизматларни ҳар томонлама такомиллаштириб боришдан иборат. Бу борада амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар тўғрисида бугунги кунга келиб миқозларга нисбатан тез, арзон ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Айти шунингдек, банкнинг минглаб миқозлари эътироф этаётгани диққатга сазовордир. Зеро, банк миқозлари сафни кенгайтиб, жорий йилнинг биринчи ярмида уларнинг сони 1,2 бараварга ошганлиги эътиборга лойиқ.

55,7 миллиард сўмга ёки 1,3 бараварга ўсди. Натijaда кредит амалиётлари банк фойдасини шакллантирувчи асосий манбалардан бирига айланди.

«Алп Жамол банк» ХОАТБ жамоаси кредит сиёсатини такомиллаштириш мақсадида кредит қўйилмаларини тармоқлар бўйича тақсимлашга, уларнинг шакли, тури, муддати масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида шу йилнинг олти ойида кредитларнинг умумий активдаги салмоғи 55,7 миллиард сўмга етказилди. Эътиборли-

Кискача айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислухотлар натижасида «Алп Жамол банк» республикамиздаги бошқа тижорат банклари сингари молия бозорига ўз ўрни ва салохиятига эга бўлиб бормоқда. Бу эса жамоани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда янада фаол иштирок этиш йўлида янги марралар сари ундамоқда.

Усмон УСМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси Қўзуридаги ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фан-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бажарилиши 2010 — 2011 йилларга мўлжалланган инновация лойиҳалари танловини эълон қилади.



Инновация лойиҳалари илмий тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тармоқларида, республикамиз минтақаларида ўзлаштиришга, энергия ва ресурсларнинг тежалишини таъминлашга, ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий қилишга, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош илмий ҳажмдор махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Танловга тегишли бўлган зарур маълумотлар билан Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитасида ҳамда www.ftk.cc.uz интернет сайтида таъминлиш мумкин.

Лойиҳалар Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитасида эълон чоп этилган кундан бошлаб жорий йилнинг 18 сентябригача, шанба ва яқшанба кунларидан ташқари, ҳар кун соат 14:00 дан 17:00 гача куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Я. Ғиломов кўчаси, 70-уй. Маълумот учун телефонлар: 233-25-65, 233-99-53, 233-69-61.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси

томчилатиб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида гўзани, бог ва иссиқхоналарни томчилатиб сугориш тизимларини

сотиб олишни тақлиф этади.

«Санипласт» лойиҳаларни амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Бизнинг мутахассисларимиз экинларни сугориш ва ўғитлашда маслаҳатларини аямайди.

Сервис хизмати кўрсатиб, эътиёт қисмларини етказамиз.

Хизмат сифатига қафолат берамиз.


Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳри, «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 265-18-56, 265-16-91.

SONATA Ўз йўлингни танла!
Drive your way
Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.
КАФОЛАТ — 2 йил.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Official Partner
Tel. 250-11-11

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СЛАДА В Т. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ.
КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

Газета ва Тавсия асосида

ЮЗМА-ЮЗ



— Қурилиш фирмаси очиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш ниятидан. Бунинг учун, аввало, фирмага муносиб ном топшим ва рўйхатдан ўтказишим керак экан. Бундан ташқари, мен танлаган номга ўхшаш фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома ҳам сўраларкан. Уни олиш учун қайси идорага мурожаат қилишим лозим?

А. БЕРДИЕВ,
Пастдарғом тумани

Маълумотномани қайси идора беради?

— Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бўлимига асосан, бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганга қадар туманлар (шаҳарлар) давлат статистика органларида расмийлаштирилади.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта алоқаси, электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали туман (шаҳар) давлат статистика органига сўралаётган фирма номи, шунингдек, фирма номининг 5 тагана мўқбил варианты кўрсатилган ариза билан мурожаат қилади.

Рустам ҚАРШИБОВ,
Самарқанд вилояти статистика бошқармаси бошлиғи.

— Ўшим хорижда таҳсил олмоқда. Унинг фуқаролик паспорти амал қилиш мuddати тугади. Айтинг-чи, ушбу ҳолатда уни қандай тартибда алмаштириш мумкин? Чунки ўғлимнинг ҳозир келиб-қетишига имконияти йўқ.

Б. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзғор тумани

Агар пенсияга чиқсам...

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бу ҳақда батафсил ёзиб қўйилган. Жумладан, унинг 37-моддасида шундай дейилади: "...б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш; ...е) олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, билим юртиларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш даврлари... иш стажига қўшиб ҳисобланади".

Демак, сизнинг аскарлик ва талабалардаги йилларингиз ҳисобидан умумий меҳнат стажингизга етти йил қўшилади.

А. ОТАХЎЖАЕВ,
Наманган вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

— Фарзандимни пойтахтдаги футбол мактабларидан бирига ўқишга бермоқчи эдим. Қобул қилинса, тураржой билан таъминладими?

Н. САФОНОВ,
Қорғон шаҳри



Фарзандим футболчи бўлмоқчи

Ўқувчилар қабул қилинади. Иштирокчиликларига кўра, давлат бюджети ва шартнома асосида таълим оладиган ўқувчи-спортчилар сараланади. Агар фарзандингиз бюджет асосида ўқишга кира олса, бепул тураржойга эга бўлади. Аксинча, шартнома бўйича бўлса, тураржой учун белгиланган тўлов амалга оширилиши лозим.

Шавкат ИМОМОВ,
Ўзбекистон Футбол федерацияси Футбол тароққоти бошқармаси мутахассиси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

— Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилган ижтимоий нафақа қандай тартибда берилади? Битта оила ушбу нафақани кетма-кет икки марта олиши мумкинми?

Ш. СОЙНАЗАРОВА,
Янгийўл тумани

— Давлатимиз томонидан чет элда таҳсил олиш учун юборилган фуқароларимизнинг ҳуқуқий манфаатлари шу давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг Дипломатик ёки консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолатда чет элда бўлиш даврида паспортларининг амал қилиш мuddати тугаган фуқаролар шу давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига

— Фарзандим бу йил 6 ёшга тўлди. Уни оддироқ мактабга бермоқчи эдим. Бунга рухсат этиладими? Тартиби қандай?

У. ҚЎШШАЕВА,
Шофиркон тумани

— Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 20 мартдаги 60-сонли буйруғи билан "Олиё Ёшли болаларни психологик-педагогик кўригини ташкил этиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Унга асосан, туман халқ таълими бўлимларида ҳар йили май-август ойларида 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш бўйича психологик-педагогик тахсис комиссиялари тузилади. Агар болангиз 1 сентябрь кунга қадар 6 ёшга тўлагани бўлса, мазкур комиссия томонидан кўриқдан ўтказилади. Кўриқ натижасида барча йўналишлар бўйича ижобий ҳулоса олган болаларга мактабга қабул қилиш бўйича тавсия берилади.

Й. АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи.

— "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси — бир юридик ва жисмоний шахслар товларида ҳамда хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир. Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан мазкур Қонунда қайд этилган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади. Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳолатда товар белгисининг эгаси, яъни

— Хусусий театр-студияни (театр жамоасини) ташкил этиш катта ташкилий, иқодий жараёни талаб этади. Аввало, янги театр-студия низоми ишлаб чиқиши, театрга моддий ва маънавий ёрдам берадиган тегишли таъсисчи ташкилот томонидан тасдиқланган ҳамда маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтказилиши зарур. Шундан сўнг амалдаги қонунлар талаблари асосида фаолият олиб борилиши керак. Бунинг учун эса театрингиз қўзда тутилган меъёрларга мос биноси (сахна, зал ва х.к), шунингдек, аҳолилар бўлиши шарт. Энг асосийси, иқодий фаолиятни олиб борадиган мутахассислар — режиссёр ва актёрлар жалб этилиши лозим. Режиссёр замон талабига мос, томошабинларга манзур бўладиган спектакллари сахналаштириши зарур. Мана шулар театр-студия ташкил этишдаги асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ҳўжалик ҳисобидида театр ёки театр-студия очиш масаласи маҳаллий ҳокимият томонидан кўриб чиқилди ва ҳал этилади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Ўзбектеатр" иқодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ўзига тааллуқли бўлган иқодий масалалар юзасидан ақиндан ёрдам кўрсатади.

Э. УРИНОВ,
"Ўзбектеатр" иқодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи.

Ижтимоий нафақа олиш тартиби

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳўмоа қилиши ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 434-сонли қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандига асосан, моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ёки кўрғон, қишлоқ, овул маҳалласига ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларга, айрим ҳолларда эса, фуқаролар йиғини раиси (ақсоқоли) тавсиясига биноан тайинланади.

Объектив сабабларга кўра, оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёлларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар ҳар ойлик моддий ёрдам олиш

— Давлатимиз томонидан чет элда таҳсил олиш учун юборилган фуқароларимизнинг ҳуқуқий манфаатлари шу давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг Дипломатик ёки консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолатда чет элда бўлиш даврида паспортларининг амал қилиш мuddати тугаган фуқаролар шу давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига

Амал қилиш мuddати тугаса...

белгиланган шаклдаги ариза ва тегишли ҳўжатларни тақдим этадилар. Мазкур ҳўжатлар консуллик муассасалари томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХҲК ва ФРБга юборилади. Фуқаронинг доимий яшаш жойидаги ички ишлар идоралари томонидан унга янги паспорт расмийлаштирилиб, яна шу тартибда республика Ташқи ишлар вазирлиги орқали ариза-чиға жўнатилади.

Э. ҚАЛАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХҲК ва ФРБ бўлим бошлиғи, подполковник.



Имтиёздан фойдаланувчилар бор

— Тошкент шаҳар йўловчи ташини транспорти корхоналари, жумладан, Тошкент метрополитенининг босқичма-босқич зарар кўрмасдан ишлашга ўтишни таъминлаш, даромадларини кўпайтириш ва сарф-харажатларини камайтириш ҳисобига Тошкент метрополитенини тўлиқ ҳўжалик ҳисобига ўтказиш мақсадида 2006 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент метрополитенида йўлқира ҳақининг тўлиниши фақат махсус жетонлар орқали амалга оширилимоқда. Айтиш жоизки, 1996 йил 30 августдаги "Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўрсатилган фуқаролар учун Тошкент метрополитенидан бепул фойдаланиш ҳўқуқи сақлаб қўлинган.

З. АБРОРОВ,
«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раисининг ўринбосари.

— Яқинда "PayNet" компанияси бренди (компания тамгаси) осилган шохобча хизматидан фойдаландим. Ҳақ тўлангани тўғрисидаги чеки олиб қарасам, унда мутлақ бошқа компания номи қайд этилган экан. Айтинг-чи, бу ҳолатда "савдо белгиси" бўйича муаллифлик ҳўқуқи поймол этилган эмасми?

А. ЭРМАТОВ,
Ўлистон шаҳри

"PayNet" компанияси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда мутлақ ҳўқуқларга эга. Бошқа бир компаниянинг шохобчаси хизматидан "PayNet" компанияси товар белгисидан фойдаланиш "товар белгиси"га нисбатан мутлақ ҳўқуқлардан ноқонун равишда фойдаланилаётганини аниглади. Бу эса ўша компаниянинг жавобгарликка тортилиши учун асос бўла олади.

И. АМАНАБЕВ,
Ўзбекистон Муаллифлик ҳўқуқини ҳўмоа қилиш республика агентлиги бош директори ўринбосари вазифасини бажарувчиси.

Хусусий театр ташкил этмоқчиман

— Хусусий театр-студияни (театр жамоасини) ташкил этиш катта ташкилий, иқодий жараёни талаб этади. Аввало, янги театр-студия низоми ишлаб чиқиши, театрга моддий ва маънавий ёрдам берадиган тегишли таъсисчи ташкилот томонидан тасдиқланган ҳамда маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтказилиши зарур. Шундан сўнг амалдаги қонунлар талаблари асосида фаолият олиб борилиши керак. Бунинг учун эса театрингиз қўзда тутилган меъёрларга мос биноси (сахна, зал ва х.к), шунингдек, аҳолилар бўлиши шарт. Энг асосийси, иқодий фаолиятни олиб борадиган мутахассислар — режиссёр ва актёрлар жалб этилиши лозим. Режиссёр замон талабига мос, томошабинларга манзур бўладиган спектакллари сахналаштириши зарур. Мана шулар театр-студия ташкил этишдаги асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ҳўжалик ҳисобидида театр ёки театр-студия очиш масаласи маҳаллий ҳокимият томонидан кўриб чиқилди ва ҳал этилади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Ўзбектеатр" иқодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ўзига тааллуқли бўлган иқодий масалалар юзасидан ақиндан ёрдам кўрсатади.

Э. УРИНОВ,
"Ўзбектеатр" иқодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи.

— Лизинг асосида "ТТЗ-80.11" русумли трактор олиш ниятидан. Бундай имкониятдан фойдаланиш учун қандай талаблар қўйилган?

И. ҚОЗОҚОВ,
фермер,
Навбахор тумани

Лизинг имконияти

— Қишлоқ ҳўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ ҳўжалиги машина-асозлигини етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида 2000 йил 2 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу ҳўжатга мувофиқ, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қиймати 15 фоизи аванс сифатида машина-трактор паркларининг худудий бирлашмалари, мўқбил машина-трактор парклари, қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари ва фермер ҳўжаликлари томонидан тўланади. Қолган 85 фоизи «Ўзқишлоқҳўжалик-машинлар» компанияси томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳўзуридаги Қишлоқ ҳўжалигини техника билан таъминлаш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жағмараси қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

2008 йилдан бошлаб республика бўйича барча фермер ҳўжаликлари учун лизинг мuddати — 10 йил, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти машина-трактор парклари учун — 10 йил, қолган вилоятлар машина-трактор парклари учун — 7 йил қилиб белгиланган. Бу имкониятдан фойдаланиш учун сиз фермер ҳўжалиги ташкил этилганлиги ҳақида ҳўким қароридан, шунингдек, статистик ҳўвоҳномадан нусха, бухгалтерия балансининг 15 фоизи аванс сифатида тузилган бизнес-режани тақдим этишингиз ҳамда лизинг компанияси филиали билан лизинг шартномаси тузишингиз керак.

Х. АТАҚУЛОВ,
«Ўзқишлоқҳўжалик-машинлар» акциядорлик лизинг компанияси Навоий вилояти филиали директори.

— Эрта оила қурганим учун икки нафар фарзандим бор. Бироқ 27 ёшга тўлмаганман. Муддатли ҳарбий хизматга боришим мумкинми?

А. ЖўРАЕВ,
Бўхоро шаҳри

Ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти

— "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан, қақрилувчининг онаси тарбияланаётган воғга етмаган бир фарзанди бўлса ёхуд қақрилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони хотини ҳамда воғга етмаган икки ва ундан ортқ фарзанди бўлса, мuddатли ҳарбий хизматга қақрилувчи мuddати кенчиктирилади.

Агар маълум муаллифнинг оилавий шароитида юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўлмаса, уни мuddатли ҳарбий хизматга қақрилувчи мумкин.

Т. ҲАМОРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир ўринбосари.

ТЕКШИРУВИ

— Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш тартиблари ҳақида маълумот берсангиз.

З. ҲАМОРОВ,
Жиззах тумани

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳадиётини ошириш тўғрисида"ги қарорига биноан, айрим ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майга қадар мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиш белгиланган бўлиши мумкин. Булар: акциядорлик жамиятлари, банк ва бошқа кредит ташкилотлари, суурта ташкилотлари, инвестиция фондлари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ва уларнинг бошқарув компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлиши ҳайрия ва бошқа ижтимоий фондлардир. Шунингдек, устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган ҳўжалик юртувчи субъектлар ҳам ана шулар жумласига қиради.

Бундан ташқари, жамоалар ўз ташаббуслари билан шартнома тузиш асосида аудиторлик текширувлари ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш асосида аудиторлик ташкилотининг лицензияси, текширувчининг малака сертификатига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Мансур СУЛТОНОВ,
Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Катларингизни кутамиз!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳанипов. Навбатчи муҳаррир — А. Болтєв. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳах — Ш. Машраббєв.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.25 Топширилди — 23.15

ISSN 2010-8788

1 2 3 5